

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

СИДДИҚОВ РАСУЛЖОН ЎКТАМОВИЧ

**ЎЗГАРУВЧАН ШАРОИТЛАРДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ САНОАТ
РОБОТЛАРИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШНИНГ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 -Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Сиддиков Расулжон Ўктамович

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботларини оптимал
бошқаришнинг математик моделлари ва алгоритмлари 5

Сиддиков Расулжон Уктамович

Математические модели и алгоритмы оптимального управления
движением промышленных роботов, движущихся при изменяющихся
условиях..... 22

Siddikov Rasuljon Uktamovich

Mathematical models and algorithms in the optimal control of robots in
industry under changing conditions 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

СИДДИҚОВ РАСУЛЖОН ЎКТАМОВИЧ

**ЎЗГАРУВЧАН ШАРОИТЛАРДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ САНОАТ
РОБОТЛАРИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШНИНГ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 -Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т681 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Онорбоев Баҳодиржон Очилбоевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қобулов Анвар Восилович
техника фанлари доктори, профессор

Кубаев Сайидазим Ташбаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 01 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «1» 01 да тарқатилди.

(2021 йил «1» 01 даги ___ рақамли диссертация баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.В.Қобулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий инфор­мацион технологиялар ривожланган ҳозирги вақтда робототехник тизимлар саноатнинг барча тармоқларида изчил суратда қўлланилмоқда. Айниқса, инсон оғир меҳнاتини енгиллаштириш учун экстремал шароитларда робототехник тизимлардан фойдаланиш кенг миқёсда авж олдирилган. Маълумки, ўзгарувчан шароитларда, ҳаракатланувчи роботларнинг ишчи органи ўзгарувчан тузилмали бўлиб, бундай роботлар илмий тадқиқотларда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади.

Бугунги кунда ўзгарувчан шароитларда роботларни бошқариш жуда мураккаб. Бунинг асосий сабаби биринчидан, ташқи муҳит таъсирига нисбатан робот ўз манипуляция ҳаракатини ўзгартирса, иккинчидан, унинг аниқ ҳаракат моделининг йўқлигидадир. Ҳаракат модели аниқ бўлмаса, бошқарув модели ҳам аниқ бўлмайди, роботнинг бошқарув параметрларини аниқлаш ҳам қийин бўлади. Шунинг учун, бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи роботлар ҳаракатини математик моделини тузиш ва у асосида мақбул бошқариш муҳим вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари асосида технологик жараёнларни лойиҳалаш, моделлаштириш ва бошқаришнинг замонавий усулларни ишлаб чиқиш орқали ёқилғи-энергетика сарфини минималлаштириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «иктисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камай­тириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш» вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур вазифаларни ижросини таъминлашда ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи роботларни техник кўриш тизимлари, сезувчанлиги, киёфаларни аниқлаш, номаълум технологик тўсиқлар ва динамик чегараланишларни ўрганиш учун ахборот ва коммуникация тизимлари ёрдамида дастурлар мажмуаси ва технологияларни ишлаб чиқиш, саноат роботлари (СР)нинг ҳаракатида энергия ресурслардан самарали фойдаланиш, кичик параметрик оғишишларни тўғри ва эргашган баҳолашларини ҳисобга олган ҳолда сезувчанликни оширувчи математик модел ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли ва «2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникатциялар соҳасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5349-сонли Фармонларида, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги «Ахборот ва ахборот технологиялари соҳасида лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, хусусан, соҳаларда илмий-тадқиқотлар, инновацион ва тажриба конструкторлик ишларини мувофиқлаштириш ва бошқа норматив ҳужжатларнинг амалий масалалари бўйича илмий-тадқиқотлар ва инновацион ишларни ўтказишни назарда тутилган вазифаларини бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат роботларининг ҳаракатини моделлаштириш ва бошқариш масалалари кўплаб хорижий ва республика олимлари: П.Н.Белянин, Д.А.Добрынин, Дж.Бейктал, Фу, Гонсалес, С.Капустин, В.Л.Конюх, В.П.Макарычев, А.Г.Булгаков ва бошқаларнинг ишларида етарлича кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда В.Қ.Қобулов, Н.А.Мўминов, З.З.Шамсиев, Б.М.Исмаилов, Ш.Й.Пўлатов, Б.О.Онорбоев ва бошқа олимлар технологик тизимларда саноат роботлари ҳаракатининг математик моделлари ва бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшиб келган ва келмоқдалар.

Ҳозирги кунда СР учун ишлаб чиқилган усулларда унинг кинематик ва динамик хусусиятлари ўзгарувчан шароитларга нисбатан етарлича ҳисобга олинмаган. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СР учун қисқа ва хавфсиз ҳаракат маршрутларини шакллантириш, мақбуллаштириш, ҳаракат моделлари ва бошқарув алгоритмларини такомиллаштириш зарур даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг Лойиҳа А-5-008 «Технологик машинларнинг ишчи органлари ҳаракатини ва уларни тайёрлаш жараёнларини бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017.), Лойиҳа КА-3-017 «Валли технологик машиналарнинг юқори унумдор, ресурстежамкор қурилма ва механизмларини ишлов берилаётган материал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва яратиш» (2015-2017.) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботини моделлаштириш, берилган ҳаракат фазосида оптимал бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРни мураккаб манипуляция операциясини амалга оширишига оид мавжуд ҳаракат ва бошқариш моделларини таҳлил қилиш;

эҳтимоллик ўлчовини киритган ҳолда саноат роботининг ҳаракат тенгламасини тузиш ва берилган ҳаракат фазосида чегараланган, узлуксиз бошқариш функцияси мавжудлигини исботлаш;

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг сезгирлиги ва позицион аниқлигини ошириш моделларини ишлаб чиқиш;

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРни оптимал бошқаришнинг математик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботини оптимал бошқаришнинг математик ва дастурий таъминотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботини математик моделлаштириш ва оптимал бошқариш.

Тадқиқотнинг усуллари дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, математик логика, алгебра ва сонлар назарияси ва оптимал бошқарув назарияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг ҳаракат тенгламаси тузилган ва эҳтимоллар назарияси элементларидан фойдаланган ҳолда СРнинг бажарувчи механизмининг фазовий жойлашиш ҳолатларини математик модели ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

СРнинг ўзгарувчан шароитларда ҳаракати асосида бошқарув фазоси ва унда чегараланган, узлуксиз бошқариш функциясининг мавжудлиги исботланган;

СРнинг ўзгарувчан шароитларда ҳаракатида энергия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг математик модели ишлаб чиқилган;

кичик параметрик оғишишларни тўғри ва эргашган баҳолашларини ҳисобга олган ҳолда ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг сезувчанлигини оширувчи математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзгарувчан шароитда ҳаракатланувчи СРнинг бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишини моделлаштириш усули ишлаб чиқилган;

СРнинг берилган ҳаракат фазосида чегараланган, узлуксиз бошқариш функцияси мавжудлиги исботланган;

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СР ҳаракатида энергоресурсларни звеноларга оптимал тақсимлашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

кичик параметрик оғишишларни ҳисобга олган ҳолда СР бажарувчи механизмининг мураккаб фазовий ҳаракатида сезувчанликни оширишга хизмат қилувчи математик модел ишлаб чиқилган;

сенсорли бошқарувга эга СРнинг позицион аниқлигини таъминлашда бажарувчи механизмининг мураккаб манипуляцион операцияларни

бажаришини оптимал бошқариш моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРларни оптимал бошқаришнинг математик моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларни назарий асослаш ҳамда ишланмаларни СРларга татбиқ қилиш орқали иш унумдорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СРнинг ўзгарувчан шароитлардаги ҳаракат тенгламасини тузиш ва берилган ҳаракат фазосида чегараланган, узлуксиз бошқариш функциясининг мавжудлигини исботлаш, шу билан бирга роботнинг фазовий мураккаб операциясини амалга оширишида сезувчанлик ва позицион аниқликни оширишнинг математик моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқ қилинувчи роботларни бошқаришнинг алгоритмлари ва дастурий воситаларидан ишлаб чиқаришнинг замонавий робототехник тизимлар билан жиҳозланган барча тармоқларида, илмий-тадқиқот ишларида сезувчанлик борасида зарурий маълумотлар билан таъминлашда ҳамда ҳаракат учун зарур бўлган энергетик ресурсларни тежашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботларини оптимал бошқаришнинг математик моделлари ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий воситаларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши борасида қуйидагилар амалга оширилган:

роботларни бошқариш алгоритмлари ва технологик жараёнларни автоматик бошқаришда қўлланилган дастурий восита «Integral avtomatika servis» МЧЖга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «O'ZAGROTEXSANOATXOLDING» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги № АР 19-02/87-сон маълумотномаси). Натижалар СРнинг позицион аниқлигини ошириш ва уни умумий бошқарув алгоритмларини ишлаб чиқиш учун қўлланилган;

роботни ўзгарувчан шароитларда фазовий операцияларни амалга оширишини таъминлашга йўналтирилган бошқарув алгоритмлари ва дастур воситалари «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик технологик маркази» МЧЖга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «O'ZAGROTEXSANOATXOLDING» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги № АР 19-02/87-сон маълумотномаси). Натижада, СРнинг сенсорли бошқарувга эга синфи учун технологик жараёнларни автоматик бошқаришда материал-энергия ресурслари сарфини 10% камайтириш имконини берган;

дастурий воситалар ишлаб чиқаришнинг робототехник тизимлар билан жиҳозланган тармоқларида сезгирликни ошириш ҳамда ҳаракатланишда энергия тежамкорлигига эришиш учун қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси «O'ZAGROTEXSANOATXOLDING» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги № АР 19-02/87-сон маълумотномаси). СРларни сенсорли

бошқариш усуллари ва алгоритмларини қўлланилиши технологик жараёнларни автоматлаштирилган лойиҳалашга ижобий таъсир кўрсатди. Натижада, технологик жараёнларни лойиҳалашда ишлов беришнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини 15% оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 14 та илмий ишда нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида чоп этилган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 103 бетда келтирилган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саноат роботлари ҳаракатини бошқариш тизимларининг ҳозирги ҳолати ва масалалари» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича назарий ва амалий ишларининг таҳлили келтирилган. Бу масала билан боғлиқ бўлган асосий илмий йўналишлар ёритилган. Стохастик бошқарув тизимига эга СР учун қуйидаги масала қўйилган.

Фараз қилинсинки, СР S_1 муҳитда ҳаракат қилаётган бўлсин. Ҳаракати S_1 муҳитдан номаълум бўлган S_2 муҳитгача ўзгариши талаб этилсин (1-расм).

Шу $S = S_1 \cup S_2$ муҳитда СРнинг ҳаракатини самарали бошқариш мумкинми?



1-расм. CP шароитнинг ўзгаришига мос ҳаракат фазосининг кўриниши

Қўйилган масала йўналишида мавжуд бошқариш моделларининг таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари шакллантирилган. Қўйилган масалаларнинг ечиш усуллари таклиф этилган.

Танлаб олинган тадқиқот мавзуси юзасидан робототехник тизимлар иштирокидаги технологик жараёнларни моделлаштириш ва бошқариш соҳасида мавжуд фундаментал ва амалий тадқиқот ишлари атрофлича таҳлил қилинган. Асоси ҳаракатланувчан CP ҳаракатини моделлаштириш ва бошқариш борасидаги изланишлар натижалари шуни кўсатадики, ҳар бир ҳолда объект ҳаракат тизимининг аниқлиги, бошқарув тизими, ҳаракат модели ва ўзига хос камчилик ҳамда афзалликларга эгаллиги билан характерланади.

Стохастик ҳол учун

1. Ҳаракат тизими – аниқмас (ноидентификацияли).
2. Бошқарув тизими – стохастик.
3. Ҳаракат моделининг кўриниши – чизиксиз дифференциал тенглама

$$A(q, \xi)\ddot{q} + b(q, \dot{q}, \xi) = u.$$

4. Моделнинг афзалликлари.

Объектнинг, математик кўринишда ифодаланган хусусиятларидан келиб чиқиб, модели асосида бошқарувни уч хил кўринишда қараш мумкин:

- а) берилган модел асосида бошқарув;
- б) авторегрессион модел асосида бошқарув;
- в) оғишганлик бўйича бошқарув.

5. Моделнинг камчиликлари.

5.1. Модел фақат ташқи муҳит таъсиридаги оғишишларни кўпроқ ҳисобга олади, моделда тизимнинг ички оғишишлари ифодаланмайди. Буни оқибатида, тизимнинг турғунлигини текширишда мураккабликлар келиб чиқади.

5.2. Шарнирли бирикмали роботларда бирикмалар орасидаги реакция кучлари ҳисобга олинмайди. Бу эса берилган траектория билан CP ҳаракатидаги реал траектория орасидаги фарқни катталашшига олиб келади.

5.3. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи CPни бошқаришнинг учала моделида ҳам берилган траектория билан реал траектория ўртасидаги фарқ ташилаётган юкнинг массасига боғлиқлиги кузатилади. CP юксиз

ҳаракатланганида максимал хатолик $\pm 0,25$ ммдан $\pm 0,35$ ммгача, ярим юкланган ҳолатида хатолик $\pm 0,60$ ммдан $\pm 1,15$ ммгача, максимал юкланган ҳолатида эса хатолик $\pm 1,2$ ммдан $\pm 1,5$ ммгача бўлади.

Норавшан ҳол учун

1. Норавшан қоидалар асосида хулосаларни генерация қилувчи модел.
2. Моделнинг афзалликлари.

Норавшан моделлар кўп қирралилиги билан тавсифланади ва хоҳлаган бир объектни исталган аниқликдаги норавшан модел билан ифодалаш имконини беради. Аниқ мантиққа эга моделларнинг ютуғи шундаки, улар объектнинг моделини, экспертдан ёки тажрибалар натижасида олинган эвристик маълумотларга асосланиб, синтез қилиш имкониятини тақдим этади.

3. Моделнинг камчиликлари.

Норавшан моделларни синтез қилиш учун барқарор алгоритмлар мавжуд эмаслиги ва бу моделлар кўп сонли бошқариш қоидаларига эга бўлиши туфайли паст тезликда ишлаши каби камчиликлар билан тавсифланади. Бу каби камчиликлар СРни оптимал бошқариш алгоритмлари ишига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса, ҳаракатда узилишлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи роботнинг бошқарув моделларидаги бу каби бўшлиқ ва камчиликлар кўшимча илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарурлигини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Ўзгарувчан шароитларда саноат роботларининг ҳаракат модели**» деб номланган иккинчи бобида роботлаштирилган ишлаб чиқариш ячейкасини моделлаштиришнинг умумий схемаси ҳамда бошқариш тизими моделларининг кўринишлари келтирилган. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРни бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтиш алгоритми ишлаб чиқилган. СРнинг ҳаракат фазосида уч (ушлаш қурилмаси, оралик звенолар, бажарувчи механизм) компонентлари бўйича жойлашиш ҳолатлари ўрганилган. Ўзгарувчан шароитларда СРнинг тўла функционал вазифасини бажариши учун ҳаракат траекториясини режалаштириш амалга оширилади.

Биринчи бобда қўйилган масалани ҳал қилиш учун, авваломбор, эҳтимоллик катталикларини киритган ҳолда СР ишчи кўлининг ҳаракат тенгламасини тузиш талаб этилади. Бу, қуйидаги ёндашув асосида амалга оширилади.

СРнинг $S = S_1 \cup S_2$ муҳитда ҳаракатланишини ифодалаш учун унинг ҳар икки муҳитдаги ҳаракат эҳтимоллиги матрицалари бирлаштирилади.

S_1 муҳитда СР ҳаракатининг эҳтимоллик матрицаси

$$P_i^1 = \begin{bmatrix} P_{11} & P_{12} & \dots & P_{1n} \\ P_{21} & P_{22} & \dots & P_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ P_{m1} & P_{m2} & \dots & P_{mn} \end{bmatrix}$$

$d_1 = D(P^1)$. $d_1 - P_i^1$ матрицанинг дисперсияси.

S_2 муҳитда СР ҳаракатининг эҳтимоллик матрицаси

$$P_i^2 = \begin{bmatrix} P_{11} & P_{12} & \dots & P_{1n} \\ P_{21} & P_{22} & \dots & P_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ P_{m1} & P_{m2} & \dots & P_{mn} \end{bmatrix}$$

$d_2 = D(P^2)$. $d_2 - P_i^2$ матрицанинг дисперсияси.

$$\bar{P}_i = \begin{cases} P_i^1, & d_1 \geq R, d_2 < R \\ P_i^2, & d_2 \geq R, d_1 < R \\ P_i^1 \oplus P_i^2, & \text{акс холда} \end{cases},$$

бу ерда R – S_1 дан S_2 га ўтиш бўсағасидаги қийматлар (ўртача квадратик оғишишлар ва ҳ.к.) дисперсияси.

$\bar{P}_i - S_1$ муҳитдан S_2 муҳитга СРни ўтиш алгоритми.

Бундан ташқари, СРнинг S муҳитдаги фазовий ҳолати қуйидагилар орқали ифодаланади, биринчи – бажарувчи механизм ушлаш қурилмасининг ҳолати, иккинчи – бажарувчи механизм оралиқ звенолари занжирининг ҳолати, учинчи – бажарувчи механизмнинг ҳолати.

СР ҳаракати Марков занжирини характерлайди. Марков занжирида объектнинг ҳолати ўзидан битта олдинги ҳолатига боғлиқ бўлиб, ундан аввалги оралиқ ҳаракатларга боғлиқ эмас.

Агар СРга m та датчик ўрнатилган ва унинг бажарувчи механизми l та звенодан ташкил топган бўлса, робот бошқарув тизимига кирувчи параметрлар $X = 2^m$ та сигналлардан, чиқувчи параметрлар звеноларнинг $Y = 2^l$ та ҳаракатларидан иборат бўлади.

Марков занжирига боғлиқ ҳолда ҳаракатни ўтиш эҳтимоллиги матрицаси қуйидагича ифодаланади:

$$P(a,b) = \begin{pmatrix} P_{11}^{(a,b)} & P_{12}^{(a,b)} & \dots & P_{1l}^{(a,b)} \\ P_{21}^{(a,b)} & P_{22}^{(a,b)} & \dots & P_{2l}^{(a,b)} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ P_{m1}^{(a,b)} & P_{m2}^{(a,b)} & \dots & P_{ml}^{(a,b)} \end{pmatrix}, \sum_{j=1}^l P_{ij}^{(a,b)} = 1.$$

Бу ерда, a, b – S муҳитдаги кесма бўлиб, мос равишда СРнинг ҳаракатидаги бошланғич ва охириги позициялар.

$P(a,b)$ матрицанинг сатри кирувчи сигналларни, устунлари эса ҳаракатни билдиради.

Берилган траектория асосида ўзгарувчан шароитда ҳаракатланувчи СР ҳаракатининг оғишганлигини аниқлаш учун динамиканинг тескари масаласи Лагранж-Эйлер динамик тенгламаси кўринишида шакллантирилади.

Динамиканинг тескари масаласи робот траекториясининг оғишишига сабабчи бўлган куч ва моментларни топишга қаратилади.

Юқоридагиларни ҳамда ички омиллар параметрик нуқтаи назардан ҳисобга олинса, ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРни ҳаракат тенгламасининг матрицавий кўриниши куйидагича бўлади:

$$A(q, \xi)\ddot{q} + b(q, \dot{q}, \xi) = \tau,$$

бу ерда, $A(q, \xi)$ – элементлари $(A)_{ki} = a_{0k}^i$, $k, i = 1, 2, \dots, n$ кўринишда бўлган $(n \times n)$ -ўлчовли матрица-функция;

$$b(q, \dot{q}, \xi) \text{ – элементлари} \quad b_k = b_{k1} + b_{k2} = \sum_{i=1}^n \sum_{j=i}^n a_{1k}^{ji} \dot{q}_j \dot{q}_i + a_{2k}, \quad k = 1, 2, \dots, n$$

кўринишдаги n -ўлчовли вектор-функция бўлиб, йиғиндининг 2-кўшилувчиси k -бирикма моментини тавсифлайди;

τ – $(1 \times n)$ ўлчовли умумлашган куч вектори;

ξ – СР ишчи кўлини ҳамда бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўчирилувчи юк параметрлари вектори (звенолар узунлиги, звенолар оғирлиги ҳамда инерция моментлари, юкнинг оғирлиги ҳамда инерция моментлари ва бошқалар);

q – умумлашган ўзгарувчиларнинг вектори;

\dot{q}, \ddot{q} – мос равишда тезлик ва тезланишларни ифодаловчи ўзгарувчилар вектори.

Умумий ҳолда, ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг ҳаракати

$$\dot{x}(t) = F[x(t), u(t), \xi(t)] + \pi(t), \quad x(t_0) = x_0, \quad t_0 \leq t \leq T \quad (1)$$

тенглама билан ёзилади.

Бу ерда, $x = x(t)$ – СРни ишчи кўлининг t вақтдаги n ўлчовли ҳолат вектори;

$u = u(t)$ – m ўлчовли бошқарув функцияси вектори;

$\xi(t)$ – параметрларнинг ўзгариши, яъни вақтнинг t momentiда СР ишчи кўлини ҳамда бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўчирилувчи юк параметрларининг l ўлчовли вектори (звенолар узунлиги, звенолар оғирлиги ҳамда инерция моментлари, юкнинг оғирлиги ҳамда инерция моментлари ва бошқалар);

$F(\bullet)$ – $x(t), u(t), \xi(t)$ ўзгарувчиларнинг вектор-функцияси;

$\pi(t)$ – СРни ишчи кўлининг узлуксиз ҳаракатида n ўлчовли оғишиш вектори;

x_0 – бошланғич ҳолат.

Агар ξ маълум ва $\pi(t) \equiv 0$ бўлса, у ҳолда (1) тенгламанинг ечими ассимптотик турғун бўлади. Бу идеал ҳол ҳисобланади.

Амалиётда $\pi(t)$ маълум ва бирор вақт оралиғида ўзгариши мумкин эмас, агар ўзгарса ҳам у текис чегараланган деб олинади, яъни $\forall t, \|\pi(t)\| \leq C_\pi, t_0 \leq t$.

ξ нинг ноаниқлиги бошқаришда уни τ билан баҳолашни келтириб чиқаради, яъни $\|\xi(t)\| \leq \tau$. Натижада, системада параметрик оғишиш ҳосил бўлади. Бу эса траекториянинг аниқлиги ва турғунлигини пасайтиради.

Ўзгарувчан шароитларда СРнинг бажарувчи механизми моментларини бошқаришда энергетик ресурсларни мақбуллаштириш ва звенолари бўйича энергетик ресурсларни тўғри тақсимланиши каби масалаларни ҳам ҳал этиш лозим бўлади.

(1) тенглама Декарт координаталар тизимида ва каноник кўринишда қуйидагича берилган бўлсин:

$$\ddot{x}(t, \xi) + f(x(t, \xi), \dot{x}(t, \xi))\dot{x}(t, \xi) + c(x(t, \xi)) = u(t, \xi), \quad (2)$$

бу ерда, $f(\bullet)$ – n ўлчовли фазода биринчи тартибли узлуксиз ҳосилага эга;

$c(\bullet)$ – n ўлчовли фазода узлуксиз функция;

$$|u(\bullet)| \leq M < \infty.$$

(2) тенгламани тартибини пасайтириш орқали қуйидаги тенгламалар системаси ҳосил қилинади:

$$\dot{x} = y, \quad \dot{y} = -f(x, y) - c(x) + u. \quad (3)$$

Бу система ўзгарувчан коэффициентли ва кўриниши мураккаб бўлгани учун унинг ечими мавжудлигини аниқлаш зарур.

Бунинг учун, СР ишчи қўлининг энергия таъминотини ифодаловчи функция киритилган бўлсин:

$$V(x, y) = \frac{y^2}{2} + \int_0^x c(s) ds. \quad (4)$$

(4)ни звенолар бўйича ифодаси қуйидагича:

$$V_i(x, y) = \frac{y_i^2}{2} + \int_0^x c_i(s) ds, \quad i = 1, 2, \dots, n.$$

СР учун энергоресурслар сарфини камайтириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

$$\frac{dV}{dt} \leq M|y| \leq M \left(\frac{y^2}{2} + 1 \right);$$

$$\frac{dV}{dt} [V(t) + 1] \leq M[V(t) + 1].$$

Охирги тенгсизликдан қуйидагини ёзиш мумкин:

$$V(t) + 1 \leq [V(0) + 1]e^{Mt} \quad \Rightarrow \quad V(t) \leq [V(0) + 1]e^{Mt}. \quad (5)$$

(4) тенгликдан фойдаланилса,

$$y^2 \leq 2[V(0) + 1]e^{Mt}.$$

(1) тенгламанинг (3) тенгламалар системасидаги ечими қуйидаги кўринишда бўлади:

$$x(t) = x_0 + \int_0^t y(s) ds.$$

Охирги тенгсизликдан фойдаланилса,

$$x(t) \leq x_0 + Ce^{Mt}, 0 \leq t \leq \tau.$$

(5) тенгсизликдан $V(t)$ функциянинг чегараланганлиги ва бундан (3) системани ечими вақтнинг $0 \leq t < \infty$ оралиғида мавжудлиги келиб чиқади.

Агар ўзгарувчан шароитларда ишловчи роботларда ҳаракат траекторияси ҳар бир звено ҳаракати учун мос графиклар кўринишида акс эттирилиши лозимлиги эътиборга олинса, энергоресурслар сарфини тежаш ва уларни тўғри тақсимлаш масаласини ҳал қилиш учун шартли экстремум масаласидан фойдаланилади.

(4) дан вақт бўйича ҳосила олинади.

$$\frac{dV_i}{dt} = y_i \dot{y}_i + c_i(x) \dot{x}_i = -f_i(x_i, y_i) y_i^2 + y_i u_i. \quad (6)$$

(6) тенглама нолга тенгланади ва $V_i(x, y)$ функциянинг экстремумга эришиши учун қулайлик туғдирувчи нуқталар аниқланади.

Диссертациянинг «**Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботларини оптимал бошқариш модели**» деб номланган учинчи бобида ўзгарувчан шароитларда СРни самарали ҳаракат қилиши учун бажарувчи механизмга ўрнатилган датчикларнинг роли ва функционал вазифасини бажаришида мавжуд бўлган хатоликлар ўрганилган. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг кичик параметрик оғишишларини тўғри ва эргашган баҳолашларини ҳисобга олган ҳолда сезувчанлик тенгламаси тузилган. Сезувчанликни ошириш учун тузилган тенгламага Лагранж типигадаги сифат мезони кўйилган.

Лагранж кўпайтувчилари усулидан фойдаланиб сенсорли бошқарувга эга СРнинг, фазовий мураккаб операцияни бажаришида позицион аниқлигини оширишга мўлжалланган, математик модели ишлаб чиқилган.

Кичик параметрик оғишишлар таъсири остида сифат функционалининг четлашиши оптимал бошқарув масаласида сезувчанликни табиий ўлчови ҳисобланади. Бу ҳол кўпроқ Лагранж типигадаги сифат функционаллариға хосдир.

Агар (1) тенгламада $\pi(t) \equiv 0$ бўлса, у ҳолда (2) тенгламанинг кўриниши куйидагича бўлади:

$$\dot{x}(t) = F[x(t), u(t), \xi(t)], \quad x(t_0) = x_0, \quad t_0 \leq t \leq T.$$

Бу тенгламанинг ечими бир параметрли, x га нисбатан ечимлар оиласи дейилади.

x га нисбатан ечимлар оиласини билган ҳолда тизимни ξ га нисбатан параметрлар оғишишини аниқлаш мумкин.

$$U(t) = \frac{\partial x(t, \xi)}{\partial \xi} = \begin{bmatrix} \frac{\partial x_1}{\partial \xi_1} & \frac{\partial x_1}{\partial \xi_2} & \dots & \frac{\partial x_1}{\partial \xi_l} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ \frac{\partial x_m}{\partial \xi_1} & \frac{\partial x_m}{\partial \xi_2} & \dots & \frac{\partial x_m}{\partial \xi_l} \end{bmatrix}.$$

$U(t)$ матрица-функция сезувчанлик матрицаси дейилади.

Сезувчанлик матрицасини ихтиёрий j устуни учун:

$$U_j(t) = \frac{\partial x(t, \xi)}{\partial \xi_j} = \left(\frac{\partial x_1}{\partial \xi_j} \quad \frac{\partial x_2}{\partial \xi_j} \quad \dots \quad \frac{\partial x_m}{\partial \xi_j} \right)^*, \quad j = 1, 2, 3, \dots, l.$$

Агар (2) тенгламанинг ўнг томони узлуксиз ҳосилага эга бўлса, у ҳолда куйидагиларни ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} \dot{U}_j - \Gamma U_j &= \Delta_j \\ U_j(t_0) &= 0, \quad j = 1, 2, \dots, l, \end{aligned} \quad (7)$$

бу ерда, Γ – $(n \times n)$ ўлчовли ўзгармас матрица;

$\Delta_j = F_j(x + x_p, u, \xi) - F_j(x + x_p, u, \tau) -$ параметрик оғишишни
характерловчи вектор-функция.

(7) сезувчанлик тенгламаси дейилади.

(7) тенгламадан кўриниб турибдики, агар Γ матрица турғун бўлса, у ҳолда тенглама турғун бўлади.

(7) тенглама ечими

$$U_j = \int_{t_0}^T \exp[\Gamma(t - \theta)] \Delta_j d\theta.$$

Фараз қилайлик, $\|\Delta_j\| \leq c_j$ бўлсин ва Γ матрицанинг хос сонларини ҳақиқий қисмининг энг катта қийматга эга бўлгани γ билан белгиланса, у ҳолда U_j бошқарув c_j га тўғри пропорционал, γ га эса тескари пропорционал бўлади.

Сезувчанликнинг ўсиши ёки камайиши γ га боғлиқ бўлади. Агар γ нинг қиймати ошса, сезувчанлик камайди, γ камайса, сезувчанлик ошади.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган моделлар, алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида СРнинг ўзгарувчан шароитларда ҳаракатини моделлаштириш ва бошқаришга оид олинган назарий натижалар ва ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида яратилган дастур воситалари ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи тўрт звеноли СРга нисбатан тажриба-синовларидан ўтказилган ҳамда дастур воситаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳақида маълумотлар келтирилган.


Сенсорли бошқарувга эга СР учун позицион аниқлик масаласи ечиш алгоритми ишлаб чиқилган. Сферик координаталар системасида ҳаракатланувчи СР учун иш зонасининг кўриниши радиуси R бўлган сферанинг ичида ётувчи асосининг радиуси r ва баландлиги H бўлган цилиндрдан иборат бўлсин. Ушбу асосда, цилиндрга ички чизилган параллелепипед томонларини ҳисоблаб топиш ва улар асосида тўққизта нуқтадан бир маротабадан ўтувчи Гамильтон синиқ чизиқлари орасидан энг минимал узунликдагисини танлаш масаласини ечиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг бошқарилувчанлигини, сезгирлиги ва позицион аниқлигини ошириш имконини берувчи математик ва дастурий таъминотнинг кўриниши 2-расмда келтирилган.




2-расм. Ўзгарувчан шароитларда СРнинг бошқарилувчанлиги, сезувчанлиги ва позицион аниқлигини таъминловчи математик ва дастурий таъминот схемаси

Роботни ҳаракати масаласини ечиш учун классик (бир ўлчовли) тегишлилик функциясига эга норавшан системалардан фойдаланиш масаласи қариб чиқилган. 3-4-расмларда бир ўлчовли тегишлилик функциясига эга норавшан тизимлар учун ечимлар соҳасининг график тасвирлари кўрсатилган.



3-расм. Ўқув танланмасининг график тасвири



4-расм. Норован тизимлар учун ҳар хил моделлар орқали олинган ечимлар соҳасининг график тасвирлари.

Ушбу усулни афзаллиги сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- норован қоидалар тақсимланишини ва тегишлилик функцияси танловини автоматлаштирилиши;
- муҳитни ўзгаришида тегишлилик функциясини аниқлашни автоматлаштирилиши, бу эса ўз навбатида нейрон тармоқларни ўқитиш имкониятларини таъминлайди.

ХУЛОСА

«Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи саноат роботларини оптимал бошқаришнинг математик моделлари ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи СРнинг бир муҳитдан номаълум бўлган иккинчи муҳитга ўтишида бошқарув фазосининг мавжудлиги масаласи қўйилган, бу масала йўналишида мавжуд бошқариш моделлари таҳлил қилинган ва улар асосида тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазибалари шакллантирилган. Қўйилган масалаларнинг ечиш усуллари таклиф этилган.

2. Ўзгарувчан шароитларда СРнинг бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтиш алгоритми ишлаб чиқилган. Параметрик нуқтаи назардан биринчи ва иккинчи муҳитлар бирлашмаси учун СРни мақбул ҳаракатини таъминлаш учун хизмат қилади.

3. Ўзгарувчан шароитларда СРни биринчи ва иккинчи муҳитлар бирлашмаси учун берилган ҳаракат фазосида чегараланган, узлуксиз бошқарув функциясининг мавжудлиги исботланган.

4. СРнинг ички омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда, СРни ҳаракатида энергоресурслар сарфини звенолар бўйича оптимал тақсимланишнинг математик модели ишлаб чиқилган.

5. Ўзгарувчан шароитлар учун СРнинг сезувчанлик тенгламаси тузилган ва унга Лагранж типидagi сифат мезони қўйилиб, оптималлаштириш масаласи ечилган. Лагранж кўпайтувчилари усули ёрдамида сенсорли бошқарувга эга СР учун позицион аниқликни оширувчи ёндашув ишлаб чиқилган. Энг қисқа узунликка эга Гамильтон занжирини топиш керакли позицион аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

6. Ўзгарувчан шароитларда СРни оптимал бошқаришнинг математик моделлари асосида умумлашган алгоритм ишлаб чиқилган. Умумлашган алгоритм стратегик, тактик ва ижро босқичларига бўлинган. Диссертация ишида олинган назарий натижалар ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастур воситалари ўзгарувчан шароитларда ҳаракатланувчи тўрт звеноли СРга нисбатан тажриба-синовларидан ўтказилган. Дастурлар мажмуаси ҳисоб тажрибаларни амалга оширишга хизмат қилади.

7. «ҚХМКТМ» ҳамда «Integral avtomatika servis» масъулияти чекланган жамиятларида СРни сенсорли бошқариш усуллари, алгоритмлари ва яратилган дастурлар мажмуасини технологик жараёнларни автоматлаштирилган лойиҳалаш учун қўллаш ижобий натижалар берди. Бунда, технологик жараёнларни лойиҳалашнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини 15% га оширишга эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

СИДДИКОВ РАСУЛЖОН УКТАМОВИЧ

**МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ОПТИМАЛЬНОГО
УПРАВЛЕНИЯ ДВИЖЕНИЕМ ПРОМЫШЛЕННЫХ РОБОТОВ,
ДВИЖУЩИХСЯ ПРИ ИЗМЕНЯЮЩИХСЯ УСЛОВИЯХ**

05.01.02 –Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.3.PhD/T1293

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Онорбоев Баходиржон Очилбоевич
доктор технических наук, профессор.

Официальные оппоненты:

Кабулов Анвар Васильевич
доктор технических наук, профессор.

Кубаев Сайидазим Ташбаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности

Защита диссертации состоится «14» 01 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019 T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108.Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий (регистрационный номер №_____). (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871)238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «1» 01 2021 года.
(протокол рассылки №__ от «1» 01 2021 г.).



Р.Х. Хамдамов

член научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

Ф.М. Нуралиев

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доц

А.В.Кобулов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Из мирового опыта известно, что сегодня, с развитием современных информационных технологий, робототехнические системы используются во всех отраслях промышленности. Используются также робототехнические системы в экстремальных условиях, когда использование труда человека проблематично, а иногда и невозможно. Известно, что рабочий орган роботов, движущихся при изменяющихся условиях, особенно при экстремальных условиях, имеет изменяемую структуру.

На сегодняшний день управление роботами при изменяющихся условиях является сложным процессом, и основная причина этого заключается, во-первых, в том, что робот изменяет свое манипулятивное поведение в зависимости от воздействия внешней среды, а во-вторых, у него нет четкой модели движения. Если модель движения не определена, то сложно будет определить параметры управления движением робота. Поэтому для преодоления этих недостатков одной из основных задач является создание с помощью математических методов модели движения роботов, движущихся при изменяющихся условиях, и разработки на основе этой модели оптимального управления их движением.

Согласно стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан, особое внимание уделяется развитию научных исследований и инноваций, созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему Развитию Республики Узбекистан» и №УП-5349 от 19 февраля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 г. №ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», ПП №-3682 от 27 апреля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практической реализации инновационных идей, технологий и проектов».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий IV «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Моделированием и управлением промышленных роботов (ПР) занимались следующие зарубежные и отечественные исследователи. В частности, П.Н.Белянин, Д.А.Добрынин, Дж.

Бейктал, Фу, Гонсалес, С.Капустин, В.Э.Карпов, В.Л.Конюх, В.П.Макарычев, А.Г.Булгаков, П.Н.Белянин и др.

